

Инсон қандай ўлса, ўша ҳолатда тиради



08:00 / 17.08.2020 2235

Бир юртда ака-ука яшарди. Ака ибодатда, ука эса тўғри йўлдан озган эди. Бир куни ака умрининг ибодатда ўтказган йиллари ҳақида ўйлаб ўтириб, қилган тоат-ибодатлари кўзига кўпдай кўришиб кетди. Шайтон васваса қилиб, хаёлига гуноҳ ишлар қилиш келди. Ўзича: «Укамнинг олдига бориб, нафсу ҳаво лаззатларига бироз шерик бўламан. Кейин тавба қилиб, қолган умримни яна Аллоҳга ибодатда ўтказарман», деб ўйлади. У шу ниятда укасининг уйига қараб йўлга тушди. Укаси эса: «Гуноҳлар қилиб, умримни беҳуда совурдим. Акам жаннатга киради, мен эса дўзахга. Аллоҳга қасамки, энди тавба қиламан. Акамнинг олдига бориб, қолган умримни ибодатда ўтказаман. Шояд, Аллоҳ мени мағфират қилса», деди. У тавба қилиш ниятида акасининг уйига отланди. Йўлда иккиси ҳам вафот этди. Қиёмат куни ака гуноҳ қилиш ниятида, йўлдан озган ука эса тавба қилиш ниятида тиради.

«Солиҳлар гулшани» китобидан